O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 24 апрель №85 (3360) Шанба

Экспортбоп корхона

Аввалларн Ўзбекистон асосий пахта етиштирувчи республика бўлса-да, унинг тўқимачилик корхоналари четга фақат тола чиқарарди.

Мана, мустақиллик шарофати туфайли, бир неча йилдирки, деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ини ўзимиз қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш орқали қўшимча даромад олаяпмиз.

Масалан, Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳридаги энг йирик замонавий тўқимачилик мажмуи — «Kabool Uzbek Co.Ltd» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида йилига 34 минг тоннадан кўпроқ ип-калава ва 20 миллион погон метрдан зиёд газлама Европа, Осиё ва Ҳамдўстлик мамлакатларига экспортга чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: калавалаш цехида; кундузги смена етакчиси Дилором Тожибоева.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Анжуман

Хавфли ҳудудлар назоратда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 10 мартдаги «Тошқин сувларини, сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини бажариш юзасидан ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жойларда амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидланишича, ҳозирги кунда республикамизда 116 та кўчки ва сел хавфи мавжуд ҳудудлар аниқланган. У ерда яшовчи 640 га яқин хўжаликнинг барчаси хавфсиз жойларга кўчирилган. Дарё, сой, канал, ариқ ва зовурларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, ўзанларини тозалаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Айни кунда масъул ташкилотлар томонидан хавфли ҳудудларда 60 та кузатув постлари ташкил этилиб, улар зарур алоқа воситалари билан таъминланган. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

ФВВ Матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А.С.Солиҳбоевни Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Анвар Саидович Солиҳбоев Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 апрель.

Олий Мажлисда

Олий Мажлис Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича Комиссиясининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия ва эксперт аъзолари ҳамда Омбудсман билан ҳамкорликда ишловчи ташкилотларнинг вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2003 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Ҳуқуқини билган ютказмайди

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида ҳокимият қонун чиқарувчи тармоғининг ҳуқуқий базасини ислоҳ қилиш, миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш демократик институтлар фаолиятини янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларини ижтимоий шериклик принципларига мос равишда жалб этиш, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенг кўламда амалга ошириш учун бир қатор ишларни бажарди. Вакиллик томонидан қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши борасида юзага келган вазият юзасидан мунтазам мониторинг ўтказилмоқда.

Шунингдек, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг беморлар ҳуқуқлари таъминланишига доир қисми ижроси юзасидан Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида мониторинг олиб борилди. Унинг натижалари бўйича аниқланган камчилик ва нуқсонлар бўйича мутасадди ташкилотларга керакли тавсиялар берилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га 2003 йил давомида фуқаролардан 5807 та мурожаат тушди. Улардан 18 таси чет эл фуқароларига тегишлидир. Мурожаатларнинг аксарияти ўз ечимини топди, қолганлари назоратга олинган. Арз-шикоятлар асосан одил судлов соҳасида тергов ва суд ишларига оид камчиликлар, айрим ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг нохолислиги, улар чиқараётган қарорларнинг бирбирига зидлиги, фуқароларнинг ишдан ноҳақ бўшатилгани, ижтимоий тўловлар, пенсия масаласи ва бошқа ҳаётий муаммолар ҳақидадир. Уларни бартараф этиш борасида вакиллик томонидан зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

С. МУҚИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Жойлардан хабарлар

Муқаддас қадамжолар бўйлаб

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан хивалик бир гуруҳ меҳнат фахрийлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саёҳатда бўлиб қайтдилар. Ушбу сафарга Хива туман ҳокимлиги бош-қош бўлди. Саёҳатчилар Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мақбараларини зиёрат қилдилар. Юртбошимизнинг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари билан кўркам, маҳобатли, обод масканларга айланган табаррук қадамжолар зиёратчиларда катта таассурот қолдирди. Иккала қадимий шаҳарда олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш, ободончилик ишлари саёҳатчилар кўнглида ажиб завқ уйғотди. Айниқса, маҳаллаларда бунёд этилган гузарлар уларнинг эътиборини тортди. Юртимизнинг ҳар гўшаси муқаддас зиёратгоҳ эканига улар яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эзгуликдан эзгулик туғилади

Хотира ва қадрлаш куни олдидан Сариосиё тумани марказида Нуронийлар чойхонаси мажмуаси очилди. "Бахт уйи", "Интернет кафе", тиббиёт хонаси ва туман Нуронийлар жамғармаси биносини ўз таркибига олган ушбу мажмуа ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Мажмуанинг очилиш маросимида кам таъминланган оилаларнинг 52 нафар фарзандларига суннат тўйи қилинди. 22 нафар ногиронга махсус аравачалар тортиқ этилди.

Шу куни Сариосиё сув қурилиш инжиниринг компанияси раҳбари И. Элмуродов туман марказий шифохонасига "Матиз" совға қилган бўлса, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ч. Аллаёров ФҲДЁ бўлимига замонавий компьютер инъом этди.

Қудрат ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири В.НИКОЛАЕВ).

Республика Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов олиб борди.

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасида кабель телевидениеси тўғрисидаги вақтинчалик низом" лойиҳаси кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари мазкур ҳужжат бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳа кабель телевидениеси хизмати билан боғлиқ бўлган фаолиятни тартибга солишга қаратилгани таъкидланди.

Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, комиссия аъзоларига оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича мониторинг натижаларини ҳам тақдим этди.

Мажлисда хўжалик субъектларининг телевидение, радиоэшиттириш ва маълумотлар узатиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолиятини давлат рўйхатига олиш юзасидан аризалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг комиссия аввал қабул қилган қарорларнинг бажарилиши хусусидаги ахбороти тингланди.

Кун тартиби якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида "Фуқаролик жамияти қуришнинг маънавий-маърифий асослари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир ушбу марказ ташкил этилганининг ўн йиллигига бағишланди. Анжуманда мазкур марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар, олий ўқув юртларидаги масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев, "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қ.Аъзам, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ва бошқалар юртимизда фуқаролик жамияти қуришнинг маънавий-маърифий асослари давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан белгилаб берилганини таъкидладилар. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ташкил этилгани бу борада муҳим қадам бўлди. 1999 йилда эса марказ фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш мақсадида Президентимиз Фармони билан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этилди.

Бугун дунёнинг турли бурчакларида айрим ёвуз кучлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун турли усулларни ишга солмоқда. Тинчлик ва осойишталигимизга раҳна солишга, ёшларимизнинг онгини бузишга интилаётган бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш учун ижодкор зиёлилар, фан ва маданият намояндалари, бутун халқимиз қатъий кураш олиб бориши зарур.

Шу боис жамоатчилик онгига истиқлол ғояларини янада чуқурроқ сингдириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий ғоя ва умумбашарий қадриятларга асосланган дунёқарашни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этаётир.

Мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг мазмунмоҳиятини, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини, халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу интилишларини кенг тарғиб ва ташвиқ этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Маънавият ва маърифат кенгаши раиси А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино Шарқ ва Ғарб халқлари учун ҳам бирдай қадрли. Яқинда Францияда халқаро Ибн Сино жамғармасининг ваколатхонаси — "ASSOCIATION AVICENNE — FRANCE" ташкил этилган эди. Франциянинг юртимиздаги элчихонасида мазкур ваколатхонанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ибн Сино даҳосига эҳтиром

Унда олимлар, халқаро, давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари сафида аллома ҳаёти билан танишиш мақсадида юртимизга келган франциялик шифокорлар ҳам иштирок этишди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жак-Андре Костий, жамғарма бошқаруви раиси, профессор Ш. Эргашев, "ASSOCIATION AVICENNE-FRANCE" президенти жаноб Марк Боннель ва бошқалар Ибн Сино даҳоси, унинг бой илмий мероси ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Жамғарма ва ассоциация ҳамкорлигида мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива сингари тарихий шаҳарларига француз мутахассислари ва тиббиёт ходимлари учун илмий-туристик саёҳатлар уюштиришга келишиб олинди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

"Халқ сўзи" назоратида

Камчиликлар тузатилади

Тўрақўрғонлик А.Маҳмудовнинг Бекобод маҳалласини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашдаги камчиликлар ҳақида ёзган хати асосида газетамизнинг шу йил 14 февраль сонида "Ўзи бору номи йўқ" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Тўрақўрғон тумани ҳокими Х.ХОДЖИМАТОВ имзоси билан таҳририятга келган расмий жавобда таъкидланишича, *ҳақиқатан ҳам маҳаллани ичимлик суви билан таъминловчи сув қудуқлари ва тармоқлари қаровсиз қолган. Эндиликда уларни "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонаси тасарруфига олиш ҳамда маҳаллани тоза ичимлик суви билан таъминлаш белгиланган. Расмийлаштириш ишлари якунланяпти.*

Шунингдек, аҳолини табиий газ билан таъминлашда ҳам камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Буни бартараф этиш мақсадида ўтган йили 2-автомат газ тақсимлаш станцияси қурилиши бошланган ва шу ярим йил ичида уни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Хомашё ҳам, маҳсулот ҳам ўзимизники

Бугунги кунда мамлакатимиз бозорлари ва савдо дўконлари пештахталари ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳолдир. Чунки бундай ҳолат, бир тарафдан, ички бозор арзон ва сифатсиз маҳсулотлардан холи бўлаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, ўз ички имкониятларимиздан фойдаланиш мумкин эканлигини яна бир карра исботламоқда. Хўш, бу ижобий ўзгаришларнинг таг-замини нимада?

Айтиш жоизки, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва енгилликлар яратишга қаратилган Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ошибгина қолмасдан, балки экспортбоп маҳсулотлар салмоғи ҳам кун сайин кўпаймоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, айниқса, барча маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун катта имкониятлар эшигини очди, деб айтсак, хато қилмаган бўламиз. Чунки ушбу қарор кучга кирмасдан аввал корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадларидан каттагина миқдорда фойда солиғи тўлашарди. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг имкон қадар маҳсулот миқдори ва олинган фойдани яширишига олиб келарди. Сабаби — корхона қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқариб, ўшанга яраша даромад олса, шунча кўп солиқ тўлар эди-да.

2003 йилнинг 1 январидан бошлаб юқорида қайд этилган қарор талабларига мувофиқ, бундай ноқонуний ҳаракатларга ўрин қолмади. Негаки, маҳсулот ишлаб чиқариб, даромад топувчилар солиқ имтиёзларидан фойдаланибгина қолмасдан, улар рағбатлантирилмоқда ҳам. Мисол учун, кичик корхоналар ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлай бошлади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар қанчалик кўп истеъмол товарлари ишлаб чиқарсалар, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Шунингдек, маҳсулот турларини кўпайтиришга ва унинг рақобатбардошлигига эришган корхоналар акциз солиғини тўламайдилар. Хуллас, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси ўлароқ, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми авваргги йилларга нисбатан ортганлиги кузатилди. Жумладан, ўтган йил якунлари бўйича кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 35,5 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 1999 йилда 23,1 фоиз эди, холос.

Шу ўринда республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ранг-баранглигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг сифати тобора харидоргир бўлаётганини ҳам эътироф этиш жоиз. Масалан, Наманган туманидаги Бахтиёр Жўраев раҳбарлик қилаётган "Бахт" масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда 20 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Аҳамиятлиси, кичик жамоанинг катта ишлари таҳсинга лойиқ. Мамлакатимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга мазкур жамоа ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшмоқда. Кичик корхонада ишлаб чиқарилаётган боксчилар қўлқопидан тортиб теннис ракеткасигача, жами 35 турдаги сифатли ва бежирим маҳсулотлар хориж фирмаларникидан сира қолишмайди. Уларни қўлга олиб кўрсангиз, кўз қувнаб, дил яйрайди. Ундан ҳам муҳими, "Бахт" МЧЖ тамғаси билан чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорни, балки қўшни давлатлар бозорларини ҳам забт эта бошлаганидир.

Тошкент тумани, Келес шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркор Раҳимхўжа Юнусхўжаев айрим юртдошларимизга ўхшаб хорижга чиқиб, ўтмас матоҳлар олди-сотдиси билан шуғулланмади. У, аксинча, ҳукуматимиз томонидан берилган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, 1996 йилда "ТВН" улгуржи савдо-ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. 1998 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигидан дори-дармон ишлаб чиқариш учун тегишли рухсатномани олиб, дастлаб 5 турдаги дорини ишлаб чиқара бошлади. Орадан йил ўтмай, уларнинг тури 15 тага етди. 2000 йилга келиб эса, корхона "ASTRA FARM Ko"га айлантирилди ва қайтадан лицензия олиб, маҳсулотлар турини 20 тага етказди. Ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида корхона Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 3 йил муддатга 126,6 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, Хиндистоннинг "Kothari" компаниясидан суртма дорилар тайёрлашга мўлжалланган технологик линия харид қилди ва ишга туширди. Ишлаб чиқариш ва даромад миқдори кўпайиши туфайли корхона ўз маблағи ҳисобидан мазкур компаниядан суюқ дорилар ишлаб чиқариш учун

Маҳаллийлаштириш дастури - амалда

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис XIV сессияси олдидан

«Бир-биримиздан манфаатдормиз»

Партия фракцияларида

Олий Мажлиснинг XIV сессияси очилишига саноқли кунлар қолди. Сессия муҳокамасига киритилган қонунлар лойиҳаларининг такомиллашиши ва сессиянинг ишчан кайфиятда ўтиши маълум маънода сиёсий партияларнинг фаоллигига боғлиқ. Шу боис мухбиримиз фракцияларнинг сессияолди мақсад ва вазифаларини билиш учун уларнинг етакчиларига бир қатор саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси раҳбари Ахтам ТУРСУНОВ ва Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси раҳбари Изидор КОЧМАРИК билан суҳбатни ўқийсиз.

— Ахтам Саломович, мана, навбатдаги парламент сайлови — катта синовлар палласи бошланишига ҳам кўп вақт қолмади. Айтингчи, партиянгиз Иккинчи чақириқнинг ортда қолган қарийб тўрт ярим йили ичида жамоатчиликни ташвишлантираётган қай бир муаммони кўтариб чиқди-ю, уни ҳал қилиш юзасидан қандай аниқ таклифларни илгари сурди?

— Маълумки, Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи орган бўлиб, ҳар бир депутатнинг асосий вазифаси мана шу жараёнда халқ иродасини ифода этишдан иборатдир. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, Фидокорлар миллий демократик партияси ўзининг парламентдаги аъзолари орқали ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ҳаракат қилди. Яъни, депутатларимиз Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти даврида қабул қилинган аксарият қонунларнинг ишлаб чиқилиши жараёнида бевосита иштирок этдилар. Бундай дейишга асослар етарли. Чунки парламентимизнинг қўмита ва комиссияларида доимий фаолият кўрсатадиган Олий Мажлис депутатлари орасида ҳам кўпчиликни ФМДПнинг фракцияси аъзолари ташкил этади. Бундан ташқари, фракциямиз аъзолари Олий Мажлиснинг деярли барча қўмита ва комиссияларида фаолият кўрсатаяптилар. Агар ортга ўгрилиб, Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятига назар ташласак, ўтган вақт ичида эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш борасидаги қатор қонунлар қабул қилинди.

Айнан шу давр ичида республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар навбатдаги босқичга кўтарилди десак, хато қилмаган бўламиз. Президентимиз Ислом Каримовнинг парламент ва ижро ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасидаги ғоялари асосида референдум ўтказилиб, «Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, жамиятимиз ҳаётининг иқтисодий соҳасига доир муносабатларни тартибга соладиган, мамлакатимиз хавфсизлигини янада таъминлаш йўлида хизмат қиладиган ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Амалдаги қатор ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Депутатларимизнинг мана шу ва яна кўплаб қабул қилинган қонунларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этиши жараёнидаги асосий эътибори мазкур ҳужжатларда партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларининг ҳам инобатга олинишини таъминлашга қаратилди.

Қонун ижодкорлигидан ташқари, фракциямиз депутатлари қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш ва таҳлил қилишга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Агар фракциямиз аъзоларининг сўнгги уч-тўрт ойдаги фаолиятига назар ташласак, депутатларимиз республикамизнинг айрим ҳудудларида қатор қонунларнинг ижросини эчил ўрганиб чиқдилар. Бу эса, ачинарли бўлса ҳам тан олиш керак, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган, қонундан четга чиқиш, қонуннинг оқсаш ҳолатлари аниқланиши, таҳлил қилиниб, парламент қўмита ва комиссиялари даражасида муҳокама этилиши, тегишли давлат органлари, вазирлик ва идораларга мазкур салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш, ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича хулосалар чиқармоқ демакдир.

— Партиянгиз аъзоларини бирлаштирувчи ягона ғоя — бу «фидокорлик» ғояси. Аммо ижтимоий фанлар тадқиқотларидан маълумки, инсонни ҳаракатга келтирувчи, уларни муайян мақсадлар атрофида бирлаштирувчи куч манбаи бу — манфаатлар, уларни ифодалаш, қондириш. Шундай экан, Сизнингча, бу мантиқ «фидокорлар» деган тушунчани инкор этмайдими?

— Албатта, партиямиз номиданоқ биз танлаган йўл аниқ. Биз фидокорлар палатаси аъзоларимиз. Жамиятимизда ўзини фидокор деб билган, фидойилик намуналарини кўрсатишга иштиёқи баланд бўлган, ўз манфаатидан кўра жамият манфаатини, халқ манфаатини устун қўйганлар бизнинг партиямизга аъзо бўлиши мумкин.

Манфаат туйғуси, манфаатдорлик эҳтиёжларини қондириш истаги ҳаммамизда бор. Инсон ҳамиша манфаатлар доирасида яшайди. Бу сиз таъкидлаганингиздек, ижтимоий фанларда, жумладан, фалсафада, социологияда, руҳшуносликда, ҳуқуқшуносликда ва бошқа соҳаларда ўзининг илмий-назарий асосларини топган. Лекин қандай манфаат, қандай эҳтиёж ҳақида гап бормоқда? Бу жиддий масала. Биз умумий манфаатлар атрофида бирлашиш тарафдоримиз. Умумий манфаат бевосита Ватан тараққиёти ва миллий ривожланиш омилларига таянади. Шу жиҳатдан қараганда, инсоннинг шахсий манфаати ва эҳтиёжлари ҳақидаги тасаввурлар фидойилик, фидокорлик, ўзлигидан кечиб яшаш, ўз манфаатидан кўра халқ манфаатини устун қўя олиш фазилатлари билан киришиб кетмоғи лозим. Ана шунда киши ҳақиқий фидокор бўлади ва фидойилик намуналарини кўрсата олади.

Киши жамият ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, худбинлик, манфаатпарастлик, шахсий бойлик орттириш иллатлари кучайиб бориши мумкин. Бу иллатлар инсон қалбидаги эзгулик, мурувватлилик туйғуларини сўндиради. Албатта, бутун жамиятни бундай иллатлардан холи этиш қийин. Бироқ, у ижтимоий мазмун касб этмаслиги, ижтимоий касалликка айланмаслиги лозим. Партиямиз одамлар қалбидаги умумий манфаатдорлик иммунитетини кучайтириш тарафдори. Бу партиямизнинг асосий ғояси.

Менимча, инсон ҳаётининг мантиқи, инсон тушунчасининг мазмуни фидокорликда. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Биз мантиқан бир-биримиздан манфаатдормиз. Агар чуқурроқ ўйласак, бир-биримиздан қочиб эмас, бир-биримизга интилиб яшамоғимиз лозим. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳам, яхлит жамиятнинг ҳам маънавий камолотидан далолат беради.

— Биласиз, 1999 йилдаги сайловда бошқа партиялар каби ФМДП депутатлари ҳам парламентда кўпчиликни ташкил эта олмади. Шундай бўлгач, бу маълум маънода партиянгизнинг дастурий мақсад-муддаолари рўёбга чиқмай қолишига сабаб бўлиши мумкин. Айтинг-чи, айни ҳолат Сизни партия пешқадами сифатида бўлажак сайлов олдидан хавотирга солмайдими?

— «ФМДП депутатлари ҳам парламентда кўпчиликни ташкил эта олмади», деган фикрингизга қўшилиш бироз қийинроқ. Чунки икки ва ундан ортиқ киши ҳам том маънода кўпчилик дегани. Тўғри, ишора қилганингиздек, парламент иш амалиётида масалаларни ҳал қилиш учун оддий кўпчилик овоз тўплаш ёки мутлақ кўпчилик овоз тўплаш талаб этиладиган жиҳатлар ҳам бор. Агар сиз шу нуқтаи назардан ёндашиб, савол бераётган бўлсангиз, биз оддий кўпчиликни ҳам, мутлақ кўпчиликни ҳам ташкил эта олмадик, деб жавоб берган бўлар эдим. Албатта, бу бироз ачинарли. Лекин хавотир олишга мутлақо асос йўқ. Ҳамон биз демократик жамият тамойиллари устувор эканлигини эътироф этиб, адолатли жамият қуришга интилар эканмиз, демократиянинг муҳим қоидаларидан бири плюрализм — фикрлар ранг-баранглиги эканини унутмаслигимиз лозим. Агар бутун бошли парламентнинг 90 фоизидан ортиғи бир партия аъзолари бўлса — плюрализм қаерда қолади? Эҳтимол, бошқалар ўзгача фикрдадир. Лекин бу — менинг шахсий мулоҳазам...

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, айни ҳолат такрорланиши мени партия раҳбари сифатида камроқ хавотирлантираяпти. Кўпроқ ўйлантираётган муаммо бироз бошқачароқ. Айтайлик, ФМДП Олий Мажлисга сайловда неча нафар тайёр профессионал парламентчилари билан қатнаша олади? Фидокорлар партияси аъзоси бўлмиш барча иқтидорли парламент аъзолари, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа соҳа олимлари доимий асосда парламентда ишлашга тайёрми? Эътибор беринг. Бугун биз мутлақо янги бир босқич арафасида — икки палатали, жоиз бўлса, профессионал асосдаги Қонунчилик палатаси ва Сенат сайловлари арафасида турибмиз. Эртага партия аъзоларимиз профессионал парламент аъзоси ва сенатор сифатида сайловчилар ишончини оқлай олиши учун нималар қилишимиз керак. Ана шу масалалар бизни кўпроқ ташвишлантираяпти. Зеро, янги парламент аъзоси қайсидир корхонага раҳбарлик ташвишлари билангина банд бўлиб, бир йилда уч-тўрт марта сессияда қатнашиш билан кифояланмайди. Унинг бурчи, эгаллаган ўрнининг салмоғи сиз билан биз ўйлаётгандан ҳам оғир бўлади. Ана шулардан хавотирланаётганим аниқ.

— Изидор Андреевич, сайловлар йилида кўпчиликда ХДП ўтган вақт ичида қандай сиёсий ташаббуслар билан чиқди-ю, халқ манфаатларига мос тушадиган қандай аниқ қонун ва қарорлар қабул қилинишига эришди, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

— Аввало, шуни айтишим керакки, ХДПнинг парламентдаги фракцияси 1999 йил сайловларидан кейинги даврда қонунчилик ишларида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Фракциянинг кўплаб таклифлари Олий Мажлиснинг илк сессияларидан бирида қабул қилинган парламентнинг 2000-2004 йиллардаги қонун яратувчилик фаолиятининг устуворликлари тўғрисидаги ҳужжатида ўз аксини топди, кейинчалик эса тегишли қонун ҳужжатларини тайёрлашда ҳисобга олинди.

Чунончи, фракциямиз 2000 йилнинг апрелида сиёсий партиялар фаолиятини йўлга соладиган қонунчилик ҳужжатларига, бизнинг назаримизда, етилган қатор ўзгартиришларни киритишни таклиф этган эди. Жумладан, вакиллик демократияси тизимида сиёсий партияларнинг аҳамиятини ошириш мақсадида, биз сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидан депутатликка номзодларни кўрсатишни кўзда тутувчи қоидаларни чиқариб ташлашни таклиф қилдик. Бошқа партияларнинг фракциялари ҳам қўллаб-қувватлаган бу таклифимиз бугунги кунда сайлов тўғрисидаги қонунларнинг янги таҳририда ўз аксини топди. Бўлажак сессия кун тартибига "Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси киритилишини, бизнинг ҳам таклифларимиз натижаси деб ҳисоблаймиз.

Олий Мажлис тўртинчи сессиясида фракциямиз "Қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида мазкур масалаларда фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтирадиган қатор муҳим қўшимчаларни киритди. Шуни қайд этиш керакки, биз нафақат таклиф қилдик, балки таклифларимизни моддама-модда овозга қўйишни талаб қилдик. Натижада, Қонуннинг охирги таҳририга уларнинг кўпчилиги киритилди.

2000-2003 йиллар давомида фракциямиз ўз мажлисларида Молия вазирлиги раҳбарлари иштирокида Давлат бюджети лойиҳалари юзасидан жамоавий муҳокамаларни ташкил этиб борди. Ҳар гал мазкур мажлисларда умумтаълим мактабларини ёзги таъмирлаш ишлари, умуман бу жабҳани бюджетдан етарли молиялаштириш амалга оширилмаётганлиги тўғрисида масала кўтарилар эди. 2004 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаш пайтида унга умумтаълим мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш учун харажатлар алоҳида кўзда тутилди.

— Биласиз, ҳар бир партиянинг халқ орасидаги обрўси ўз ғояларига оммани қай даражада ишонтира олишига боғлиқ. Модомики шундай экан, ХДП шу даражага эриша олди, деб ўйлайсизми?

— Назаримда, Сиз айтаётган масала, бу кўпроқ яккапартиявийлик сиёсий тизими шароитидаги тўғридан-тўғри сиёсий ҳаракатлар партиялари, яъни авангард хилидаги партиялар учун хосдир. Демократик фуқаролик жамиятининг кўппартиявийлик тизими шароитида эса сиёсий партиянинг обрўйи ўз ишининг самарадорлигини сайловчиларга яққол намойиш эта билиши билан белгиланади.

— Шундай экан, партиянгиз ўз фаолияти самарадорлигини кўрсата олдими?

— Биринчидан, 1999 йилдаги сайловолди дастуримиздаёқ уй-жой — коммунал хўжалик соҳаси ва йўловчи автотранспорт хизматларига тарифлар ҳаддан ташқари ошиб кетаётганлигига ўз муносабатимизни билдирган эдик. Ўшандаёқ биз амалдорларнинг корхоналар фаолиятига маъмурий аралашувини чеклаш, тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган бюрократизм ва коррупция сарқитларини бартараф этиш мақсадида, бошқарув аппарати вазифаларини иқтисодий ислоҳотлар мантиқи билан қонунчилик даражасида мувофиқлаштириш зарурлигига эътибор қаратганмиз. Кейинчалик, биз бу нуқтаи назаримизни партия Марказий Кенгаши пленумлари, парламент фракциямиз мажлисларида қайта-қайта тасдиқлаганмиз. Шу билан бирга, биз ўз нуқтаи назаримизни партиямиз матбуоти, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, «Халқ сўзи» газетасидаги чиқишларимиз орқали аҳолига етказиб бордик.

Бўлажак сайлов мавсумига тайёргарликни бошлар эканмиз, биз жорий йил март ойида бўлиб ўтган Марказий Кенгаш пленумида яна бир бор шу масалаларга қайтиб, улар ҳали ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган деган якдил хулосага келдик. Лекин, биз ислоҳотларнинг амалга оширилишига халақит бераётган мавжуд муаммоларга баҳо беришда фақат принципиалликнинг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Бу масалалардаги принципиалликни сайловчиларнинг ҳаётий манфаатларига алоқадор бўлган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини жамиятга таклиф қилиш юзасидан сиёсий ташаббуслар кўрсатиш орқали давом эттириш лозим.

Чунончи, улар орасида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, ишсизликни енгиш ва ишга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш, меҳнат даромадлари, пенсия ва стипендияларнинг юқорироқ даражасига эришиш, уларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, истеъмол бозорини аҳолига манзур бўлган нархлардаги маҳсулот ва хизматлар билан тўлақонли тўлдириш, ишлаб чиқарувчини ортиқча солиқ ва божхона босимидан озод этиш каби масалалар бор.

Ўйлайманки, сайловларгача қолган вақт мобайнида партиямиз сайловчиларга бу ва бошқа ижтимоий муҳим масалалар юзасидан аниқ нуқтаи назари борлигини ва уни ўз парламент фракцияси ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилаётганлигини намоён этади. Ва, бу билан партиямиз келгуси сайловларда сайловчиларнинг сезиларли қўллаб-қувватлашларига эришади, деб ўйлайман.

— Хабарингиз бўлса, шу йил бошида Фидокорлар миллий демократик партияси ўз конференциясида мамлакатимиздаги мавжуд партиялар ичида энг фаол, энг ҳаракатчан партия бизнинг партия, деган якдил хулосага келдилар. Сиз уларнинг фикрига кўшила оласизми?

— Энг аввало, 1999 йилги сайловлардан кейинги даврнинг талай қисмида барча сиёсий партияларнинг анчагина сустлиги кўзга ташланганига диққатингизни тортмоқчи эдим. Ахир, мамлакат Президенти И.Каримовнинг 2002 йил августида Олий Мажлис IX сессиясида сиёсий партияларнинг мўртлиги ва заифлиги тўғрисида айтган сўзлари фақатгина Ўзбекистон ХДПга тегишли бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ўтган йилнинг октябрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясини ташкил этиш бўйича ташаббускор гуруҳ билан учрашувда ҳам Юртбошимиз яна бир бор шу ҳақда куйиниб гапирдилар.

Шуни эслатмоқчи эдикки, Президент томонидан парламентчилик фаолияти етарлича таъсирчан эмаслиги тўғрисидаги танқид бошқалар қатори Фидокорлар партияси шаънига ҳам айтилган эди. Шунинг учун мазкур партия 2003 йил октябрдан 2004 январигача бўлган даврда партиялар ичида "энг фаол, энг ҳаракатчан", деб ўзини топган бўлса, биз ушбу партия ривожланишида ўтган уч ой ичида катта тараққиёт юз берганлигини қайд этишимиз лозим.

Партиянинг жамиятдаги таъсири қандайлиги тўғрисида унинг давлат ҳокимияти сайланма органларидаги вакиллик даражаси ҳам муҳим кўрсаткичдир. Дарҳақиқат, бир қарашда Фидокорлар партияси Олий Мажлисда 52 депутатдан иборат энг катта партиявий фракцияга эга. Лекин, у 2000 йил апрель ойида ўз фаолиятини тугатган, 1999 йилдаги сайловлар натижасида Олий Мажлисда 20 та депутатлик ўринни эгаллаган "Ватан тараққиёти" партияси билан бирлашгандан кейин шундай натижага эга бўлди. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик корпусида Фидокорлар миллий демократик партияси 600 нафарга яқин ўз вакилларига эга.

Таққослаш учун бизнинг партиямиз бўйича худди шундай рақамларни келтираман. ХДП 1999 йил сайловлари якунлари бўйича Олий Мажлисда 49 та депутатлик ўрни ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида 2257 та депутатлик ўрнини (жами депутатларнинг 37,3 фоизи) қўлга киритди. Лекин, жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган Марказий Кенгаш пленумида бу баҳс талаб қилмайдиган далилларга баҳо бера туриб, яқин-яқингача бизга хос бўлган "мамлакатнинг сон жиҳатдан энг катта, кенг ташкилий тармоқли ва давлат ҳокимияти сайланма органларида салмоқли вакилликка эга сиёсий партия" бўлишнинг ўзи Ўзбекистон ХДПга "жамиятнинг энг таъсирчан кучи" мақомини таъминлайди деган хомхаёллиқдан мутлақо воз кечиш керак, деган ягона хулосага келдик.

Жаҳон парламентчилик демократияси тажрибаси шу нарсани ишонарли кўрсатмоқдаки, ҳеч қайси партияга обрў ва таъсирчанлик узилкесил берилмайди. Ҳар бир келаётган сайловда обрў-эътибор учун қайта-қайта курашишга тўғри келади. Бунда у ёки бу сиёсий партиянинг "фаоллик ва ҳаракатчанлиги"нинг ишончли ва холис мезони бўлиб мазкур партиянинг ўзига берган баҳо эмас, балки унинг номзодларини ёқлаган электорат миқдори хизмат қилади.

Суҳбатдош:
Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Обрўйнинг ўзи келмайди»

Газетада босилмади, аммо...

Масала ижобий ҳал этилди

Таҳририятга келган мактубдан: "Ўйлаб-ўйлаб сизларга мурожаат қилишга қарор қилдим. Гап шундаки, 1997 йили "Хван Ман Гим" фермер хўжалигини ташкил этгандик. Бу ердан яхши ҳосил етиштириб келяпмиз. Бир неча йилдан буён "Дўстлик" ширкат хўжалигининг олти гектарлик иссиқхонасини ҳам шартнома асосида ижарага олгандик. Иссиқхонани хусусийлаштириш ҳақида хўжалик бошқаруви раисига расмий хат билан мурожаат қилдик. Масала бизнинг фойдамизга ҳал бўлиши учун қарор ҳам чиқди. Бироқ амалий ишга ўтилмади...

С.ХВАН,
Юқори Чирчиқ туманидаги "Хван Ман Гим" фермер хўжалиги раиси".

Таҳририятга келган расмий жавобдан: "С.Хваннинг "Дўстлик" ширкат хўжалигига қарашли олти гектарлик иссиқхона биносини сотиб олишга қаршилик кўрсатилаётгани ҳақидаги аризаси Адлия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилди. Ушбу масала хўжалик аъзоларининг ўтган йил якуни бўйича якунда бўлиб ўтган умумий йиғилишида кўриб чиқилди. Иссиқхонани С.Хванга сотиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ш.САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи".

Ўзбекистон – умумий уйимиз

Хоразм ўзига хос табиатга, кўп асрлик тарихга, бебаҳо маданиятга эга юрт. Бу диёрда азал-азалдан илму фан, санъат ва ҳунар равнақ топган. Энг муҳими, бу кўҳна ўлка қайси давр бўлмасин, турли миллатли, турли тақдирли кишиларга Ватан бўлган. Воҳада ўзбегу қозоқ, қорақалпоғу туркман туғишган оға-инидек аҳил-иноқ, қуда-анда бўлиб яшаб келаяпти.

Мустақиллик туфайли дўстлик ва биродарлик қуёши янада чароғон бўлди. Унинг заррин нурлари ўзбекнинг ҳам, рус, украин, корейс, қозоғу туркманнинг ҳам кўксини бирдай ёритди, дилларига илиқлик бахш этди. Айни кунда Хоразмда 1 миллион 500 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўзбеклардан ташқари 17 минг қозоқ, 7 минг 300 нафар туркман, 5 минг 400 нафар татар, 8 минг 500 нафар рус, 4 минг 800 нафар корейс, 1 минг 900 нафар украин, 1 минг 200 нафар қорақалпоқ, 5 минг 500 нафар бошқа миллат ва элатлар вакиллари яшайди.

Дўстлик мевалари

Уларнинг тили, маданияти, қадимий урф-одатлари, анъаналари ривожланиши учун доимий ғамхўрлик қилинмоқда, кўмак берилмоқда. Барчаси вилоятдаги 345 та маҳаллада қондош-жондош бўлиб умргузаронлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам вилоятдаги ҳар қандай тадбир-анжуман, халқ сайиллари, тўю томошалар тотувликда ўтказиб келинмоқда.

Вилоятда ҳозир қозоқ ва корейс миллий-маданий марказлари фаол ишлаб келмоқда. Улар ўзларининг тили, маданияти, тарихи, анъаналари, урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида маҳаллий ҳокимлик, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб маданий тадбирлар ўтказмоқдалар. Қадим гўшада мусулмон масжидлари билан бир қаторда рус, корейс черковлари ҳам ишлаб турибди. Ҳар бир инсоннинг, у қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, қадр-қиммати, иззати жойига қўйилган.

Зеро, мустақиллик мамлакатимиздаги барча миллат вакилларига бирдай эркинлик, уларнинг равнақи учун имконият ва шароит яратиб берди. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистонда ўзбеклар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, элга танилган, ҳурмат-эъзоз топаётган турли миллат вакилларини истаганча учратасиз. Энг муҳими, ўзбекларда-ги меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, жасорат, Ватан равнақи йўлида жонфидолик каби эзгу хислатлар улар учун ҳам муштарак.

— Ўзбекистонда, хусусан, вилоятимизда бошқа миллат вакилларига, уларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш, бойитиш, анъаналарини давом эттиришларига имконият яратиш, шароитларини кенгайтиришга бўлган эътибор мени тўлқинлантириб юборди, — дейди вилоят ўзбек-туркман дўстлик маркази раҳбари Давлатназар Ражабов. — Марказимиз вилоятда яшаб, меҳнат қилаётган туркманларнинг бошқа миллат вакиллари билан дўстлиги, бирлигини мустаҳкамлашга, туркман халқи урф-одатларини, маданиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошираяпти. Мен бир неча йилдан бери Урганч туманидаги Сотим Қаландаров номли «Агромашхизмат» масъулияти чекланган жамиятга раҳбарлик қиламан. Аввал ширкат хўжалиги эди. Ўтган йил бошида ширкат хўжалиги ўрнида 189 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Бу ерда 24 мингдан ортиқ аҳоли яшаб, меҳнат қилмоқда. Шундан 2 минг 500 нафари туркман миллатига мансуб кишилар. Ўзбеклар, қозоқлар билан қон-қардош бўлиб кетганмиз, тўйимиз ҳам, азамиз ҳам бир, қудаандамиз.

Давлатназар ака оддий ҳақиқатни айтди. Туркман халқининг улуғ шоири Маҳтумқули Хивада — Шерғозихон мадрасасида таҳсил олган, бобомиз Алишер Навоийни ўзига устоз деб билган. Бу халқларимиз ўртасидаги абадий дўстлик намунасидир. «Олауйлик» қишлоғида 1999 йилда қуриб, ишга туширилган «Дўстлик» гузарида буюк бобомиз Алишер Навоий ва туркман шоири Махтумқулининг ёнма-ён ўрнатилган бюсти ҳам ана шу дўстликдан сўзлаб турибди.

Қишлоқда туркман тилида дарс бериладиган Махтумқули номли ўрта мактаб фаолият кўрсатиб келаяпти. Унда 480 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Хивада Маҳтумқулига ўрнатилган ҳайкал ҳам дўстлик рамзидир.

Қишлоқда бугун ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ёнма-ён туриб меҳнат қилаяпти. Ҳамжиҳатликда қилинган иш ўз самарасини бераяпти. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар олға силжияпти. Ўтган йили ҳосилдорлик анча ортди. Бу йил 1900 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Ҳозир экиш мавсумига шай туришибди. Маҳаллалар обод. Маданият уйи одамлар хизматида. Ўтган йили кунига 2 тонна сутни қайта ишлайдиган кичик сут заводи, қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. 3 гектар жойда «Хотира майдони» бунёд этилди.

«Дўст билан обод уйинг», дейишади. Мамлакатимиз ҳам турли миллат вакилларининг дўстлиги, ҳамжиҳатлиги билан обод ва файзли бўлиб бораверади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хомашё ҳам, маҳсулот ҳам ўзимизники

(Давоми. Боши 1-бетда).

иккинчи линияни ҳам сотиб олди ва у ишга туширилгач, маҳсулотлар тури 27 тага етди.

Бугунги кунда корхонада 37 хилдаги дори-дармон тайёрланмоқда. Маҳаллий хомашёлардан тайёрланаётган спиртли аралашмалар, мазлар, линиментлар, дамламалар (настойка), ёғли аралашмалар, шифобахш ўсимликлар чиройли қадоқланиб савдога чиқарилмоқда.

Маълумки, халқаро тартиб-қоидаларга мувофиқ, маҳсулотларнинг кўриниши ва алоҳида хусусиятларига оид маълумотлар унинг ёрлиқларида кўрсатилиши шарт. Бунда маҳсулот қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан юқорида номи зикр этилган корхонанинг "Made ih Uzbekistah" ёзуви битилган маҳсулотлари сарҳадлар ошаётгани кишига ғурур бахш этади.

Шу ишларни корхона аҳли хайр-саховат, меҳру мурувват ришталарига кўшиб олиб бораётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Зеро, туманда спортни ривожлантириш, маҳаллалар ободончилиги, катта-кичик тадбирлар, кам таъминланган ва каровчисини йўқотган кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш жамоанинг доимо диққат марказида. Дарвоқе, Р. Юнусхўжаев етакчилигидаги корхона Президент соврини учун ўтказилган анъанавий "Ташаббус-2004" кўрик-танловининг "Энг интизомли солиқ тўловчи" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

— "ASTRA FARM Co"нинг асосий мижозларидамиз, — дейди биз билан суҳбатда "АСТЕРА" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдуваҳоб Тўлаганов. — Жамиятимизнинг пойтахтимизда ҳамда 4 та вилоятда филиаллари ишлаб турибди. Дори-дармонларни марказлаштирилган усулда даволаниш муассасалари, дорихоналарга тарқатаяпмиз. Айтиш жоизки, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар халқимизга манзур бўлмоқда. Аввалларида бу турдаги дорилар қаттиқ валюта ҳисобига Россия Федерацияси ва Украинадан сотиб олинарди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади.

Кўриниб турибдики, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқарувчиларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар ўз самарасини бермоқда. Бозорларимизни истеъмол товарлари билан тўлдириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар бунинг тасдиғидир.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Биз сиз билан ишлашга тайёрмиз»

дейди Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA)нинг Ўзбекистондаги раҳбари Каэ Янагисава

Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги — JICA техникавий ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида Япония ҳукумати кўмаги билан 1974 йилда ташкил этилган. Унинг ваколатхонаси Тошкентда 1999 йил мартида очилган. Ваколатхона тўрт йўналишда — техникавий ҳамкорлик, тараққиёт моделларини, ўрганиш борасида халқаро алмашув дастурлари, волантёр (кўнгилли)ларни юбориш дастурлари ва бегараз молиявий ёрдам, яъни грант ажратиш бўйича иш олиб боради. Ҳозирда агентлик ўзбек ёшларини Японияга, япон мутахассисларини эса Ўзбекистонга юбориш билан бирга, бизнес асослари ҳамда япон тилини ўргатиш курсларини ҳам ташкил этган.

Яна бир эътиборли томони шундаки, мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини JICAнинг дунёдаги вакиллари орасида ягона аёл бўлган Каэ Янагисава бошқариб келмоқда. Янагисава хоним билан агентликнинг бугунги фаолияти тўғрисида мулоқотда бўлдик.

— Бугунга келиб бизнинг бир қатор лойиҳаларимиз ўз самарасини бера бошлади, — дейди у. — Диққатга сазовор лойиҳаларимиздан бири Ўзбек-Япон марказидир. Марказда тадбиркор бўлишни хоҳловчилар учун бизнес асосларидан, тил ўрганиш ниятида бўлганларга япон тилидан сабоқ берилади. Шунингдек, яқинда бизнинг яна бир янги лойиҳамиз ишга тушади. Бу лойиҳа тиббиёт соҳасига тегишлидир. Бундан ташқари, шифокорларга, айниқса, ҳамшираларга мўлжалланган янги ўқув қўлланмалар яратишни режалаштиряпмиз.

Яна шуни ҳам айтишим мумкинки, бизнинг лойиҳаларимизни вилоятларда ҳам жорий этиш кутилмоқда. Бу туризм, кичик бизнес ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги лойиҳалардир.

Ёшларга мўлжалланган дастурларимиздан бири уларни Японияга таклиф қилиш билан боғлиқ. Шунга мувофиқ ҳар йили биз Ўзбекистон ёшларидан 20 нафарини давлатимизга таклиф этамиз. Улар Японияда тахминан бир ой бўлишади, у ерда япон оилаларида яшаб, шу ерда ўқишади. Бу билан юртингиз ёшлари ўзларининг Япония ҳақидаги тасаввурларини бойитади ва кунчиқар юрт тўғрисида кенгроқ тушунча ҳосил қиладилар. Рақамлар тили билан гапирадиган бўлсак, бу йил Японияда таълим олган ва олаётган Ўзбекистонлик ёшларнинг сони 100 нафарга етди. Шунингдек, Японияда Ўзбекистонга турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи 32 та мутахассис келди. Улар Самарқанд, Нукус, Пскент, Тошкент шаҳарларида ишламоқда.

— Маълумки, Ўзбекистонда кўплаб халқаро ташкилотлар, турли ўқув марказлари мавжуд. Айтингчи, JICAнинг бошқа ташкилотлардан фарқи нимада?

— Ташкилотимизнинг бир қатор ўзига хос томонлари бор. Биз ёшларга шундай таълим берамизки, улар келажакда ўз муаммоларини мустақил равишда ҳал эта оладилар. Ташкилот нафақат япон тажрибасини ўргатишга, балки муаммоларга биргаликда ечим излашга ҳам эътибор қаратади. Демак, JICAнинг бу ердаги имкониятлари жуда кенг. Биз нафақат ҳукумат билан, балки оддий одамлар билан ҳам ҳамкорлик қиламиз. Бу эса бизнинг имкониятларимизни кенгайтиради. Шу билан бирга, биз японлик ёшларни Ўзбекистонга кўнгилли сифатида таклиф этамиз. Улар турли жойларда — касалхоналарда, болалар уйларида ишлашади, шунингдек, қизиқувчиларга япон тилидан дарс беришади.

Мен юртингиз ёшларининг ақлий қобилиятларини, билимга бўлган қизиқишларига қойил қоламан. Тўғри, Япония иқтисодий жиҳатдан бирмунча олдинда. Лекин ёшларингизнинг бугунги изланишлари, ҳаракатлари эртанги кун кафолатидир. Улар ўзларининг японлик тенгдошларини ҳам ортда қолдирсалар ажабланмайман.

— Ташкилотингиз грантларига қандай эришиш мумкин?

— Аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, агентлик молиявий кўмак масалалари билан шуғулланмайди. Бизнинг лойиҳаларимиз, амалга ошираётган ишларимиз инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилган. Албатта, бирор ишни амалга ошириш ниятида бўлган кишилар ҳукумат орқали мурожаат этишлари керак бўлади, аммо бундан олдин улар агентлигимизга келиб маслаҳат олишлари лозим.

— Агентликнинг келажакдаги режалари қандай?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, вилоятларда амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳаларимизга кўпроқ эътибор қаратмоқчимиз. Албатта, биз асосан янги ғояларни амалга ошириш ниятида бўлган кишилар билан ишлашни хоҳлардик. Шунинг учун ҳам бундай одамларга «Эшикларимиз ҳар доим очиқ, марҳамат, JICAга келинг, биз сиз билан ишлашга тайёрмиз», деймиз.

Наргиза ТЎХЛИЕВА суҳбатлашди.

Буржанадзе — парламент спикери

Грузия парламентида спикер сайлови бўлиб ўтди. Бу лавозимга Нино Буржанадзе сайланди. Сайловда қатнашган 160 депутатнинг 159 нафари Н. Буржанадзе номзоди учун овоз беришди. Бир киши эса қарши чиқди.

Парламент спикерлигига Нино Буржанадзе номзодини Миллий ҳаракат фракцияси кўрсатган эди.

Н. Буржанадзе ўзининг парламент спикери лавозимига сайланишини инқилобий жараёнларнинг мантиқий якуни, дея таърифлади.

Жанубий Корея ёрдамга тайёр

Жанубий Корея президенти вазифасини бажарувчи Ко Гон Хитой чегарасида икки юк поезди портлагани ҳақидаги хабар тасдиғини топса, Шимолий Кореяга ёрдам бериш ҳақида кўрсатма берди. Маълумотларга қараганда, Хитой ва Шимолий Корея чегараси яқинида жойлашган Рёнчхон темир йўл станциясида портлаш рўй берган ва 3 мингга яқин одам жароҳатланган.

Шимолий Корея ҳукумати биринчи навбатда хабар тарқалишининг олдини олишга киришган. Жанубий Корея ва Хитой ахборот агентликлари хабарларига кўра, КХДРда телефон алоқаси узиб қўйилиб, Хитой чегараси ёпилган.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳалокат поездлар қатновини йўлга қўйиш жараёнидаги хато оқибатида рўй берган бўлиши мумкин.

«Ал-Қоида» айбдор

Саудия Арабистони ҳукумати «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотини мамлакат пойтахти Ар-Риёдда юз берган портлашни уюштирганликда айблади. Маълум бўлишича, портлаш оқибатида мамлакат махсус хизматларининг бир неча юқори лавозимдаги вакиллари ҳалок бўлган.

Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, террорчи бошқарувидаги машина мамлакат хавфсизлик хизмати биноси дарвозаси олдида тўхтаган ва шу пайтда портлаш юз берган. Оқибатда 10 киши вафот этган, 150 га яқин одам жабрланган.

Ҳукумат вакилларининг хабар беришича, яқин вақт оралиғида портлатилиши керак бўлган яна бешта машина ушлаб қолинган. Ўтган йилнинг ўзида террорчиликлар оқибатида 5 яқин одам ҳалок бўлди. Саудия Арабистони ҳукумати барча портлашларда «Ал-Қоида»ни айбламоқда.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Резолюция қабул қилинмади

Бугун Кипрнинг икки қисмида ҳам оролни бирлаштириш бўйича референдум бўлиб ўтади. Аввал хабар қилганимиздек, бу тадбир ижобий натижа билан тугамаса, оролнинг фақат Грецияга тегишли қисмигина Европа Иттифоқи таркибиги киради.

Референдум арафасида АҚШ ва Буюк Британия Кипр бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Бундан мақсад ушбу умумҳалқ тадбирининг тинч ва осойишта ўтишини таъминлаш эди.

Ўтган чоршанба куни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг шу масалага бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. ХКнинг 14 аъзоси резолюция лойиҳасини маъқуллаб овоз берди. Россия эса ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланиб, резолюцияга қарши чиқди ва барчанинг умидини пучга чиқарди. Сўнгги ўн йилда Россия биринчи марта БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига қарши овоз берди.

БМТ ташкил топгандан буён Россия (собиқ СССР) 121 марта ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланган. 1946-55 йилларда 79 марта, 1956-65 йилларда 26 марта, 1966-75 йилларда 7 марта, 1976-85 йилларда 6 марта вето туфайли ХК қарорини қабул қилдирмасликка эришган. СССР тарқалиб кетгач эса, РФ бор-йўғи икки марта — 1993 ва 1994 йилларда Хавфсизлик Кенгаши қарорига вето қўйган.

Россиянинг бу қадамини мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Геннадий Гатилов: "Биз Кипрнинг икки қисмида ҳам 24 апрелга мўлжалланган референдум эркин, ташқаридан бирон-бир қаршилик ёки босимсиз ўтишини истаймиз. Унинг натижасини кутайлик. Шундан сўнг бемалол ҳар қандай, жумладан, оролга тинчликпарвар кучларни жойлаштириш бўйича ҳам резолюция қабул қилиш мумкин", — дея изоҳлади. Унинг гапига қараганда, резолюция лойиҳаси аввал муҳокама қилинмасдан овозга қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан лойиҳа қабул қилинмаганидан афсусда эканлигини билдирди. У йиғилишдан олдин ХКга аъзо давлатларни Кипр аҳолисига БМТ уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қодир эканлигини кўрсатиб қўйиш учун резолюцияни қабул қилишга чақирган эди.

Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Юрий Федотов ўзининг ҳукумати Кипрда референдум ўтиб бўлгач, ХК қарорини қайта кўриб чиқишга тайёр эканлигини билдирди. Аммо шарҳловчиларнинг фикрича, поезд кетиб бўлгач қабул қилинадиган резолюция ҳеч кимга керак эмас. Резолюция қабул қилишдан мақсад юқорида таъкидланганидек, тадбир пайтида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш эди.

Нефть тугагач...

Саноатни ривожлантириш тараққиётни кўзлаган ҳар бир давлатнинг устувор йўналишига айланиб бормоқда. Бироқ бунинг учун зарур бўлган нефть, газ ва бошқа табиий бойликлар кундан-кунга камайиб бораётгани ҳам ҳақиқат.

"Қора олтин" ҳисобланмиш нефть қачон тугашини ҳеч ким башорат қила олмаса-да, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, бу жараён яқин 30 йилда рўй бериши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, нефть адо бўлмасидан олдин одамзод энергетика соҳасини ривожлантиришга зўр беришига тўғри келади.

Янгидан-янги нефть конлари ҳар доим қаерлардадир мавжуд бўлади ва топилаверади. Бироқ уни ер тагидан олиб чиқиш техник жиҳатдан жуда мураккаб машғулотга айланиб, уни ёқилғи сифатида ишлатиш эса экологияга катта зарар етказмоқда.

Дунёда нефть ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилаётган British Petroleum компаниясининг ҳисоботида "қора олтин"нинг дунё бўйича заҳиралари ҳақида маълумот берилган. Унда айтилишича, Осиё ва Тинч океани. минтақасида 38,7 миллиард баррель, Жанубий Америкада 49,9, Африкада 77,4, Евроосиёда 97,5, Марказий ва Жанубий Америкада 98,6, Яқин Шарқ



минтақасида эса 685,6 миллиард баррель нефть қолган.

Бугун дунё бўйича кунига 75 миллион баррель нефть ишлаб чиқарилмоқда. 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 90 миллионни ташкил қилиши кутилмоқда.

Хўш бу қандай оқибатларга олиб келади?

Энг аввало, дунё бўйича 90 фоиз транспорт ҳаракатланиши нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига боғлиқ. Олимлар ҳозирданоқ нефть маҳсулотларини транспорт двигателларида ишлатишдан воз кечиб, уни энг муҳим соҳаларда қўллашга чақирмоқдалар. Бу ерда гап жамият учун зарур бўлган уй жиҳозлари, доридармон ва ҳатто алоқа воситалари ҳақида кетмоқда.

Нефть ва газ заҳиралари тугаб боришини ўрганувчи Aspo ассоциациясининг маълумотларига қараганда, жаҳон нефть манбалари адо бўлгач, дунёда катта ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Айни пайтгача ҳеч бир давлатда нефть ва газ ўрнини босувчи табиий бойликлар йўқ. Ассоциация мутахассислари нефть заҳираларини сақлаб қолишнинг ягона йўлини давлатлар иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтиришда кўрмоқда.

Бундан ташқари, олимлар нефть ишлатилиши натижасида ажралиб чиқадиган газлар миқдори камайтирилиши кераклиги ҳақида ҳам бонг урмоқдалар. 2040 йилга келиб бундай газлар миқдори 60 фоизга камайтирилмаса, мисли кўрилмаган экологик ўзгаришлар рўй бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон ҳамжамияти нефть тугаган пайтда қандай кун кечиришни бугуноқ ўйлаб кўриши керак.

Хуршид РАУПОВ.

Фуқаролик мақоми

Фуқаролик институти илдизлари қадимга бориб тақалади. Одатда, фуқаролик шахсларнинг давлат билан сиёсий-ҳуқуқий алоқаси ҳисобланади. У халқаро тажрибага асосан икки усул билан қабул қилинади. Биринчиси, "Қон принципи" бўлиб, бунга кўра туғилган чақалоқ ота-онаси қайси фуқароликка эга бўлса, у ҳам шу фуқароликни олади. Масалан, бир давлат фуқароси иккинчи давлатда фарзанд кўрса, унинг фарзанди ота-онасининг фуқаролигини олади. Иккинчиси, "Замин, ер принципи" бўлиб, бу шаклда боланинг фуқаролиги унинг туғилган жойи билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатда қайси мамлакатда туғилса, шу мамлакатнинг фуқаролигини олади. АҚШ, Ҳиндистонда иккала принцип ҳам мавжуддир. АҚШда фуқароликни олиш учун 5 та шарт мавжуд бўлиб, улар — 5 йил АҚШда қонуний муҳожир бўлиб яшаган бўлиши, бошқа давлат фуқаролигидан воз кечиши, АҚШ Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этиши, муайян динга эътиқод қилиши, давлат тилида эркин сўзлаша олиш керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар бир давлатда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ана шу давлатда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлмаслиги мумкин. Айнан шу ҳолат "Фуқаролик цензи" дейилади. Унга кўра, сайловчи ёки давлатнинг сайланадиган лавозимига номзод ушбу давлатнинг фуқароси бўлиши керак. "Фуқаролик цензи" кўп давлатларда амалда қўлланилади. Масалан, АҚШ Конституциясига кўра, Конгресс вакиллар палатаси депутатлигига номзодлар камида 7 йил АҚШ фуқаролигида бўлиши керак, сенаторлик учун эса камида 9 йил муддат талаб қилинади. Баъзи бир Европа давлатларида ушбу давлат фуқароси бўлмаган шахсларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бўладиган сайловларда иштирок этишга рухсат берилган.

Фуқаролик ҳолатини вужудга келишида албатта, фуқаро ва давлат ўртасида мажбуриятлар алоҳида аҳамиятга эга. Шахс давлат қонунлари ва фармонларини бажариш мажбуриятини олади ва айни пайтда давлат ҳам ўз навбатида фуқароларга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. Шунингдек, ўз фуқароларини чет элларда ҳам ўз ҳимоясига олади.

Конституциямизнинг 22-моддасида таъкидланганидек, "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди".

Асқарали ҲАЙДАРОВ, ТДЮИ талабаси.

Халқ ҳаётидан

Бино ичида ўрмон

Хитойда болалар учун ишлаб чиқариладиган қалбаки сутдан ўнлаб чақалоқлар ҳаётдан кўз юмгандан кейин катта жанжаллар бошланиб кетди.



Хитой телевидениеси берган маълумотларга қараганда, шифокорлар мамлакатнинг бир неча музофотларида қалбаки сутдан заҳарланган чақалоқлар ҳаётини сақлаб қолиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Дастлабки суриштирувлар натижасида қалбаки сут мамлакатнинг 141 фабрикасида ишлаб чиқарилаётгани аён бўлди. Савдо дўконларида қалбаки сут маҳсулотларининг 10 тури сотилаётгани аниқланди. Расмий маълумотларга қараганда, бундай сут билан озиқлантирилган 13 та чақалоқ ҳаётдан кўз юмган.

Жиноятчиликка қарши намойишлар

Буэнос-Айресда 30 мингдан ортиқроқ одам Аргентинада жиноятчиликнинг авж олиб кетганидан норози бўлиб намойишга чиқди.

Шу ҳафтада президент Нестор Киршнер мамлакатда жиноятчилик билан курашиш бўйича янги чоралар кўрилиши ҳақида айтиб, Американинг Федерал қидирув бюросига ўхшаш ташкилот тузилишини маълум қилди.

Биноларга ўт қўйилди

Таиландда яна оммавий тартибсизликлар бошланди. Кеча мамлакат жанубида бўлиб ўтган тўпалонлар пайтида 50 та бино, шу жумладан 13 та мактаб ёқиб юборилди. Бу ҳақда маҳаллий полиция вакили хабар берди. Унинг гапига қараганда, ёнғинни ўчираётган пайтда бир ўт ўчирувчи ва шу ердаги қишлоқ оқсоқолларидан бири отиб ўлдирилган.

Полиция ўт қўйишга алоқадорликда гумон қилиб ўн кишини қамоққа олди. Уларнинг кўпчилиги ҳали 18 ёшга ҳам тўлмаган ўсмирлардир.

Омади бор экан

Николас дю Плоой исмли шахс сешанба куни кечқурун Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳридаги "Ритц" меҳмонхонасининг 19-қаватидан пастга қулаб тушди. Reuters ахборот агентлигининг хабарига қараганда, биринчи қават томига ёпилган тунука унинг ҳаётини сақлаб қолган. Шифокорларнинг айтишича, Плоойнинг икки қўли, бир оёғи синган. Шунингдек, бўйни ҳам жароҳатланган. У қулаб тушгач, биринчи бўлиб етиб келган қутқарувчиларга "Менга ёрдам беринглар, бўйним оғрияпти", дея гапиришга ҳам улгурган. Омад деб шуни айтсалар керак-да.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги

ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИГА

2004-2005 ўқув йили учун тингловчиларни қабул қилиш

ҚОИДАЛАРИ

Ўқиш 2004 йил 2 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй. Тел.: 132-62-88, 132-62-75, 132-60-79.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги 222-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби ташкил этилган. Олий бизнес мактабининг асосий вазифаси — менежментнинг замонавий усулларини эгаллаган, иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва янада чуқурлаштириш бўйича республикада ўтказилаётган сиёсатни амалга оширишга доир ишларни ташкил этишга қодир бўлган юқори малакали бошқарув кадрларни тайёрлашдан иборат.

Олий бизнес мактабида ўқиш пулли-контракт асосида бўлиб, «Бизнес бошқаруви магистри» (MBA) дастури бўйича халқаро талаблар ва дастурлар асосида олиб борилади.

Ўқиш муддати кундузги бўлимда — 14 ой ва сиртқи бўлимда — 24 ой.

Олий бизнес мактабининг профессор-ўқитувчилари таркиби етакчи хорижий университетлар, тадқиқот марказлари, халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари мутахассислари ҳисобидан, шу жумладан, етакчи хорижий ўқув юртларининг магистр дипломини олган маҳаллий мутахассислар томонидан таъминланади.

Олий бизнес мактабига тингловчилар ишлаб чиқариш уюшмалари, акциядор компаниялар, концернлар, корпорациялар, қўшма корхоналар, холдинг компаниялари ва бошқа хўжалик бирлашмалари, йирик саноат корхоналари раҳбарларидан ва истиқболли мутахассислардан танлов асосида олинади.

Тингловчиларни танлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- *кундузги бўлимга 40 ёшдан ошмаганлар;*
- *сиртқи бўлимга 50 ёшдан ошмаганлар қабул қилинади.*

Танловда қатнашмоқчи бўлган шахсларнинг ишлаб чиқаришдаги иш стажи бошқарувнинг тармоқ органларида (уюшма, концерн, компания, корпорация, холдинг компанияси ва бошқа хўжалик бирлашмаларида), шунингдек, ишлаб чиқаришда камида 4 йил меҳнат стажига эга бўлиши керак.

Олий бизнес мактаби тингловчилари назарий ва амалий курсларни ўтаб бўлишганидан сўнг хорижий амалиётни АҚШ, Япония ва Европанинг ривожланган мамлакатларида ўтказадилар.

Олий бизнес мактабини тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги магистр дипломи берилади.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Олий бизнес мактабига тингловчиларни қабул қилиш қабул ҳайъати томонидан амалга оширилади. 2. Ҳужжатлар 2004 йил 10 майдан 12 июнгача қабул қилинади.

Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

вазирликлар, ташкилотлар ва хўжалик тузилмалари раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма тавсияномаси; тавсия этилган шахснинг аризаси; олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; тўлов ҳақидаги кафолат хати; меҳнат дафтарчасидан кўчирма; шахсий варақа; 086/у шаклдаги тиббий маълумотнома; 4х6 см. ўлчамли 8 та рангли фотосурат; маълумотнома (объективка); паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

3. Олий бизнес мактабига номзодлар учун кириш имтиҳонлари фанларидан консультациялар 2004 йилнинг 14 июнидан 26 июнига қадар бўлиб ўтади.
4. Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 2004 йилнинг 28 июнидан 10 июлига қадар суҳбат ва компьютер тест синови тарзида ўтказилади.
   Тест синовлари муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади. Улар иқтисод, ҳуқуқшунослик ва менежмент бўйича саволлардан иборат.
   Ижтимоий-сиёсий мавзу ва чет тили бўйича синов суҳбат тарзида ўтказилади.
5. Олий бизнес мактабига танлов қабул ҳайъати томонидан рейтинг тизимидаги суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида амалга оширилади.
6. Қабул ҳайъатининг қарори 2004 йил 17 июлдан кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор Олий бизнес мактаби директорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Олий бизнес мактабида ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори Олий бизнес мактаби қабул ҳайъати томонидан белгиланади. Бошқа шаҳардан келган тингловчилар ётоқхона билан таъминланади ва харажати ўқишга йўллаган ташкилот томонидан қопланади.

2004 — Меҳр ва мурувват йили

Арпа экиб, буғдой кутманг

Эмишки, бой-бадавлатликда тенгсиз киши қутилмаганда тўшакка михланиб қолибди. Унга ҳеч бир муолажа, дори-дармон кор қилмабди. У туну кун авф этишни сўраб Яратганга ёлборибди. Кунларнинг бирида у ғойибдан келган овоздан чўчиб уйғонибди:

— Эй, бандаи ғофил! Сенинг гуноҳинг шундаки, сен фоний дунё неъматларига меҳр қўйиб, Аллоҳни унутдинг! Уни йўқламадинг!

— Йўқ, йўқ, — дебди бемор. — Мен Яратганни унутганим йўқ! Мусулмончиликнинг барча аъмолларини бажардим: намоз ўқидим, рўза тутдим, хайру эҳсон қилдим, Каъбатуллоҳни зиёрат қилдим...

— Бироқ, уруғ-аймоғинг, қуни-қўшниларинг орасидаги бемор ётганлар, мискину бечоралардан хабар олдингми? Йўқ! Ҳатто уларнинг кўчасидан ўтмакни ор билдинг. Ваҳоланки, Аллоҳ ўшалар билан бирга эди. Сен уни йўқламадинг!

Ўлим тўшагида ётган киши энди хатоларини тўғрилашнинг имкони йўқлигидан афсусланиб ҳаётдан кўз юмган экан.

Оҳангарондаги Саховат уйидаги бугунги ҳаёт билан танишар эканман, негадир хаёлимга шу ривоят келди.

Айни кунда бу ерда 248 нафар ёлғиз қария истиқомат қилади. Улардан икки нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 118 нафари эса аёллардир.

Кексайгач фарзандларию яқинларига кераксиз бўлиб қолган қарияларнинг кечаги ҳаёти билан қизиқман.

— Ёшлигим ҳақида сўраманг, — дейдилар Аҳмаджон исмли отахон. — Ёшликни бой бердим. Фойдали ишга сарфламадим. Умримнинг ярмидан кўпи қамоқхоналарда ўтди. Бошим деворга текканда ... кеч эди. Ҳозирги оилам бор ва на бошпанам. Агар вақтида хатоларимни тушуниб етганимда, оила, бола-чақа орттирганимда бугун оилам бағрида, ўйнинг тўрида ўтирган бўлармидим...

— Бу ерга келганимга ярим йилдан ошди, — дейди 80 ёшли Николай Чермицин. — Қизим бор. Очиғи, уни кўргим келади. Пенсиямни олсам унга жўнатаман. Зора, шунда кўргани келса.

Саховат уйида ким билан суҳбатлашманг, ҳар бирининг ўз тақдири, ўз кечмиши борлигига гувоҳ бўласиз.

Қариялар истиқомат қилаётган хоналарни бир-бир кўздан кечирамиз, мавриди келганда улар билан суҳбатлашамиз. Кимдир Саховат уйига келиб қолгани сабаблари ҳақида ўзи сўз очса, кимдир бу ҳақда гапиришни хоҳламайди.

— Бизнинг хонамизга ҳам киринглар, — дея таклиф қилди Зинаида Вагизова билан Любаша хола.

Саранжом-саришта, чоғроққина хона. Дераза токчаларига териб қўйилган анвойи гуллар ҳар қандай кишининг эътиборини тортиши табиий.

— Қаранглар, алоэ гуллади. Буни биринчи бўлиб сизга кўрсатмоқчийдим Раҳима Аҳмедовна, яхшиям ўзингиз келиб қолдингиз, — дейди хонадон соҳибалари Саховат уйи директорига юзланиб.

Зина хола болаларча қувнаб, директорга гулларини кўз-кўз қиларди. Айрим хоналарда чол-кампирларнинг бирга яшаётгани эътиборимизни тортди.

— Кексайганда суҳбатдош, дардкаш керак, — дейди 65 ёшли Люсетта Марлянова. — Шунинг учун Алексей билан бир хонага кўчиб ўтдик. Бир-биримизни тушунамиз. Яқинларимизга керак бўлмасак-да, бир-биримизга муҳтожлигимизни ҳис этишнинг ўзи катта бахт.

— Наврўзолди ҳашар куни "уй"имизга Оҳангароннинг "Намуна" маҳалласида яшовчи Акбарали Шоюсупов бошлиқ бир гуруҳ йигитлар келиб, боғу гулзорларимизни тартибга солишга ёрдам бердилар, қарияларимиз билан кўчат экишди. Сўнгра, ош дамлаб ўзлари ҳам қарияларимиз билан бирга байрам қилишди, — дейди Раҳима опа Аҳророва. — Қарияларимизнинг қувонганларини айтмайсизми...

Ўша куни нуронийлар "Фарзандларингиз ҳам ўзингизга ўхшасин, болаларим", дея йигитларни дуо қилишди.

— Бироқ бизнинг болаларимизнинг болалари ўзимизга ўхшашмасин, — дейди афсус билан Абдураҳмон ота.

Бу ерда ҳамма нарса етарли. Фарзандлари, жигарларига кераксиз бўлиб қолган қарияларга, хоҳ соғ бўлсин, хоҳ бемор, 8 нафар шифокор, 14 нафар ҳамшира, 35 нафар энага доимо парвона, оқ ювиб оқ тарашади. Фарзандлари бермаган меҳрни беришга ҳаракат қилишади. Бироқ, қариялар ёш бола эмас: битта конфет ёҳуд ўйинчоқ билан бор ташвишларни унутса. Саховат уйида яшовчиларнинг аксарияти бола-чақали бўлиб, меҳр кўрмаган ота-оналар.

Бу ерда асосан вилоятда яшовчи қаровчисиз қолган қариялар истиқомат қилишлари кўзда тутилган. Сўнгги икки-уч йил ичида пойтахтдан келувчилар сони кескин ошиб кетди ва улар 65 нафарни ташкил этмоқда.

— Тошкентлик қарияларни аввал яшаган маҳалла аҳли йўқлаб туришса керак, —сўрайман Раҳима опадан.

— Қаёқда дейсиз! "Аввал шу маҳаллада яшаган, ҳозир уйсиз, кимсасиз" деб маълумотнома бериш билан ўзларини масъулиятдан соқит қиладилар.

Назира опа исмли аёл ҳар байрамда гоҳ норин, гоҳ сомса пишириб келадиган зангиоталик хусусий нотариус ходимаси ҳақида гапирди.

— Умридан барака топсин, шу аёл ҳайитдан олдин келиб ҳаммага ҳайитлик улашди, эркакларга дўппи, яктак, аёлларга эса рўмол, кўйлак, қолганларга ҳам пайпоқ, дастрўмол тарқатиб чиқди. Фақат у аёлнинг исмларини билмаймиз. Билганимиз "Зангиоталик хусусий нотариус опа".

Николай Ширшов исмли қария бу ерда яшаш билан бирга Саховат уйида боғбонлик ҳам қилади.

— Тақдир экан, — дейдилар отахон. — Боғ билан ўзимни овутаман. Бўш вақтларимда кутубхонада китоб ўқийман. Қўшнилар билан суҳбатлашаман. Минг афсусланмайлик, ўтган ёшлик қайтиб келмайди. Ёшлар ҳушёр бўлишсин. Бировдан меҳр кутишдан олдин, у ҳам кимгадир меҳр берган бўлиши керак.

Мен пойтахтдан келган қарияларга маҳалла қўмиталаридан берилган маълумотномаларни кўздан кечираман.

Мирҳасан Миркаримов — А. Икромов тумани, Юсуф Саккокий маҳалласидан, Виктор Махеев — Чилонзорнинг Хирмонтепа маҳалласидан, Исмагим Кашафутдинов эса Чилонзорнинг 8-мавзесидан. Шу йилнинг бошида келган Пўлатжон Қаюмов эса М. Улуғбек тумани Ф. Хўжаев номли маҳалладан. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ҳақли савол туғилади, улар Саховат уйига кўчиб ўтгунларига қадар ҳам қаердадир яшаганлар-ку! Балки уларнинг шахсий уйлари ҳам бўлгандир.

Саховат уйи раҳбари "Нуроний" жамғармаси, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги, "Оҳангароншифер" АЖ, "Оҳангаронцемент" АЖ сингари бир қатор ҳомий ташкилотлар кўрсатаётган ёрдамларини алоҳида ҳурмат билан эслади. Ўтган йили вилоят ҳокимлиги томонидан бинолар таъмири учун 10 миллион сўм ажратилгани, ана шу маблағ ҳисобидан ошхона ичи, томлар тўлиқ таъмирдан чиққани ва айни пайтда таъмирлаш давом этаётгани ҳақида гапирди.

— Олмаликда "Аммофос" деган фирма бор, — дейди опа. — Ана шу фирма бизнинг ҳисоб рақамимизга ҳар ойда баҳоликдрат маблағ ўтказиб туради. Биз фирма раҳбарини ҳатто бирор бор кўрмаганмиз ҳам. Шукурки, бундай олийҳиммат кишилар кўп.

Саховат уйи раҳбари суҳбат давомида сўнгги уч йил ичида бу ерда туб миллатга мансуб кишиларнинг сони ошганлигини эътироф этди.

...Ўзбекистон туманида Қирққетмон деган қишлоқ бор. Одамлари оддий, ҳушфеъл ва самимий. Қишлоқда Олтиной исмли бефарзанд аёл аммасининг оиласи билан яшарди. Амма вафот этгач, ундан қолган ҳовлини ҳам кимдир сотиб олибди. Оғир аҳволда қолган аёлни ҳамқишлоқлари Иноъомжон ва Мукаррамхонлар ўз хонадонларига кўчириб келишди.

— Ёлғиз қариялар учун махсус саховат уйлари бор-ку, — дея Мукаррамхоннинг қўйнига қўл солдим. — Балки...

Аёл менинг нима демоқчи эканлигимни тушуниб сесканиб кетди:

— Қизиқсиз-а, опа, шунча ҳамқишлоқлар туриб холани у ёққа топширсак, эл-улуснинг олдида ким деган одам бўламиз?! Болаларимиз холани ўз бувижонларидан кам кўришмайди. Биз бўлмасак, яна бир ҳамқишлоғимиз ўзларига буви қилиб олишарди.

Мукаррамхоннинг гапини эшитиб, очиғи, оқибатли ҳамюртларимдан фахрландим.

Оҳангарондаги Саховат уйидан қайтарканман, Мавлуда Ботирова, Ҳалима Абдихонова, Мавлуда Шодмонова, Мухлиса Султонова сингари ходималарнинг бу ердаги нуронийларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан қувондим. Пойтахтга қайтдим ҳамки, жон-жигарларининг оқибатсизлиги сабаб бу ерни макон тутган қарияларнинг нигоҳларидаги мунг, изтироб кўз олдимдан кетмади.

Мен дуогўй онахону отахонларимиздан "Аллоҳ қариганимизда иззатда қилсин", деган тилакни кўп эшитаман. Бунинг маъносини яна бир бор англагандай бўлдим. Эртага иззатда бўлиш учун эса бугун имкониятимиз бор экан, бизнинг ёрдамимизга муҳтож кишилардан ўз меҳримизни, саховатимизни аямайлик. Зеро, ривоятда таъкидланганидек, Аллоҳ мискину бечоралар билан биргадир.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.



Жиззах шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»да ўнга яқин миллат фарзандлари тарбия топмоқда. Умри Ҳамроқулова, Надежда Белова, Замира Ҳамроқулова, Равно Юсупова каби тарбиячилар қаровчисини йўқотган 91 нафар етим болани оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишмоқда. Ўғил-қизларнинг ҳар бир ютуғи жамоа аъзоларини янада изланиб, меҳнат қилишга руҳлантираяпти. Ўтган йили ўрта мактабни битирган Фидаэл Хайруллиннинг Тошкентдаги техника университетида ўқишга кирганлиги ўқувчиларнинг ўзларига бўлган ишончларини янада орттирди.

Меҳр ва мурувват йилида вилоятдаги «Жиззахпахтасаноатсотиш», дон ва нефть маҳсулотлари комбинатлари жамоалари болажонларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: ўз касби фидойиси Моҳира Маматқулова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Автоалоқа» акционерлик жамиятининг барча акционерларига!

2004 йил 14 апрель куни «Автоалоқа» акционерлик жамияти акционерларининг умумий мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилди ва улардан керакли хулосалар чиқарилди.

Керакли ҳужжатлар билан акциядорлар қуйидаги манзилда танишишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, Марказ-27 мавзеси, АТС-42 биноси.

Телефонлар: 144-25-67, 42-89-27.

Иқтидорлилар беллашуви

Ҳар йили Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида фанлар олимпиадасини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Талабалар ўртасида ўтказиладиган фанлар олимпиадасининг бу йилги беллашуви Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган юздан зиёд иқтидорли талаба тўртта фан бўйича ўзаро куч синашди.

Молия ва кредит, иқтисод,статистика ва хусусийлаштириш фанлари бўйича ўз билимларини намойиш эта олган республикамизнинг турли вилоятлари ўқув юртларидан келган А. Сулаймонова, Ў. Миришова, Ш. Ҳасанов, Л. Аблаева, Г. Аҳророва, И. Юсупов, Ҳ. Собирова сингари ёшлар ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўз мухбиримиз.

Katris фирмаси
МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.
Мебель олсанг «Katris»дан, роҳат қиласан дилдан.
Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ESENYA курилиш-инжиниринг фирмаси
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA Bau- und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland
DUNDAR CATALOGUE
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ
ES-A.02 ES-A.03 ES-A.04
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.
Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин.
Йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (одатда 24 соат мобайнида) мумкин.
American Express — халқаро молия корпорациясидир.
У 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.
Одамлар узоқ вақт мобайнида пулларини уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар.
American Express чекларида пулларни сақлаш қулай.
Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.
Ўзбекистондан ташқарига йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.
Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.
Диққат! Америка-экспресснинг янги чеклари воситачилик ҳақисиз сотилмоқда.
American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пулларингиздир.
www.amex.ru
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
Қўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.
Мулокот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com
Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Тошкент халқаро радиоси» бошқармаси жамоаси меҳнат фахрийси, ёзувчи ва журналист **Саиджон САТИШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Ўзбекистон халқ рассоми **Дилёр ИМОМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Qonun himoyasida» бирлашган таҳририяти жамоаси бўлим муҳаррири Ҳасан Нишоновга онаси **Нортош НИШОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г—572. 29008 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.45 1 2 3 4 5